Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 май куни Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли кучларининг марказий қўмондонлиги ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун айнан шу қўмондонлик танлангани тўғри қарор бўлганини таъкидлади.

Америкалик меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга сафари самарали кечаётганини, ташриф асносида кўрилаётган масалалар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли кучлари марказий қўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Ҳ.Турсунов иштирок этди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

***



Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 май, сешанба • № 58 (24.453).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон ХДПда ҳисобот-сайловлар

Иккинчи босқич бошланди

Ўзбекистон ХДПда апрель ойида бошланган ҳисобот-сайловларининг биринчи босқичи асосан якунланди. 14 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 450 мингдан зиёд киши ёки барча партия аъзоларининг 90 фоизи иштирок этди.

Ҳисобот даврида қилинган ишларнинг сарҳисоби, ютуқ ва камчиликларнинг таҳлили, яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган масалалар муҳокамаларида 54 минг 700 киши сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазалар билдирдилар, партия ташкилотларининг фаолиятини янада жўшқинлаштириш, сафларини ўстириш, турли жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини кучайтириш тўғрисида таклифлар киритдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, бўлиб ўтган мажлисларнинг барчасида уларнинг иштирокчилари мамлакат Президенти И.А. Каримов раҳбарлигида юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар сиёсатини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Олдинда турган вазифаларни бажаришга ХДП аъзоларини сафарбар этувчи, уларнинг куч ва ғайратини олижаноб мақсадлар йўлида бирлаштирувчи бошланғич партия ташкилотларининг сайланма раҳбар органлари шакллантирилди, етакчилари сайланди.

Янги сайланган БПТ котиблари орасида ҳар 4-5 нафаридан бири биринчи марта бу масъул вазифага мушарраф бўлганлари, саркорларнинг 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этилиши партия қуйи бўғини етакчилари таркибининг сифатини яхшилаш томон қўйилган янги қадамлардир.

Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ушбу мажлисларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари, МК аъзолари ва бўлим мудирлари, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, корхона ва хўжаликлар раҳбарлари, маҳалла фаолларининг иштирок этиши уларнинг ишига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатди.

Куни кеча ҳисобот-сайловлар мавсумининг иккинчи босқичи — шаҳар ва туман партия конференциялари бошланди.

Масъулиятни теран ҳис этиб

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида давом этаётган ҳисобот-сайловлар мавсумининг биринчи босқичининг, яъни бошланғич партия ташкилотларида бу жараённинг, тугалланиши билан унинг иккинчи босқичи – партия конференциялари бошланди.

14 май куни Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар, 15 майда Асака, Булунғур, Ғаллаорол туман ташкилотларнинг навбатдаги конференциялари бўлиб ўтди. Уларда мазкур партия кенгашлари, ХДП дан давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар гуруҳлари ҳамда тегишли тафтиш комиссиялари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисобот бердилар. Барча маърузалар ишчанлик ва юксак масъулият руҳида муҳокама этилди. Анжуманларда ушбу партия ташкилотларининг яқин келажакдаги фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди, уларнинг сайланма органларининг янги таркиби шакллантирилди, вилоят партия кенгашларига вакиллар ва вилоят партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Янги сайланган партия кенгашлари ташкилий пленумларида Ўзбекистон ХДП Асака ва Бухоро шаҳар кенгашлари биринчи котиблари этиб З. Бозорбоева ва Р. Козимова, Булунғур ҳамда Ғаллаорол кенгашлари биринчи котиблигига Т. Йўлдошев ва Б. Темиров сайландилар.

Партия конференцияларида: Бухорода – Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев ва шаҳар ҳокими К. Камолов, Булунғурда – Ўзбекистон ХДП МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири С. Курбонов ва туман ҳокими Т.Худойназаров, Асакада – Ўзбекистон ХДП МК Ташкилий ишлар бўлими мудири Н. Тоиров ва шаҳар ҳокими ўринбосари А. Сафаров, Ғаллаоролда — вилоят партия кенгаши биринчи котиби И. Умурзоқов ҳамда туман ҳокими Қ. Саноқулов сўзга чиқдилар. Булунғур ва Ғаллаорол партия конференциялари ишида, тегишлича, Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва Марказий Кенгаш ишлар бошқарувчиси Г. Наганёв иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Назоратчилар кенгашдилар

Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш амалий аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президент девони Назорат инспекцияси Китоб туманида ўтказган Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятлари назорат инспекцияларининг минтақавий семинар кенгаши ана шу масалага қаратилди. Кенгаш қатнашчилари «Шаҳрисабз ароқ-шароб» корхонаси ва «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамиятида ҳукуматнинг чет эл сармояларини жалб этиш қарорларининг бажарилиши билан танишдилар. Улуғбек номли ширкат хўжалиги, «Гулистон» маҳалласини бориб кўрдилар. Китоб туман ҳокимлиги ва ҳокимлик назорат инспекцияси ишлари билан қизиқдилар. Туман санъат саройида Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлашга бағишланган кенгашни Қашқадарё вилоят ҳокими Ш. Бегматов очди. Назоратчилар ўзаро тажриба алмашдилар. Кенгаш ишида Президент девони Назорат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Г. Дурнов қатнашди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Тез ёрдам» – тиббиётнинг асосий бўғини

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида тез тиббий ёрдам бўйича Ўқув маркази очилди. У йил бошида имзоланган ўзаро алоқалар меморандумига мувофиқ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ҳамда Американинг Ричмонд шаҳридаги Тез тиббий ёрдам бошқармаси ҳамкорлигида барпо этилди.

Марказ очилишига бағишланган маросимда республикамизнинг етук тиббиёт ходимлари, уларнинг АҚШдан келган ҳамкасблари, ўз таркибида авария-қутқарув хизматларига эга бўлган бир қанча вазирлик ва идораларнинг вакиллари қатнашди. Маросимда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг фахрий президенти Т. Каримова иштирок этди.

Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ЮСАИД нинг молиявий кўмагида фаолият кўрсатади. Иттифоқ АҚШ ва МДҲ мамлакатлари соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга ёрдамлашади. Соғлиқни сақлаш иттифоқининг ёрдами туфайли 1994 йилдан бошлаб МДҲ давлатларида, Марказий ва Шарқий Европада 12 та тез тиббий ёрдам бўйича ўқув Маркази очилган бўлиб, уларнинг барчаси муваффақиятли ишлаб турибди.

— Мамлакатимиз раҳбарияти аҳоли саломатлигини сақлашни тубдан яхшилашга жуда катта аҳамият бериб келмоқда, деди маросимни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов. — Соҳада бошланган кенг миқёсли ислоҳот бунинг далилидир. Унинг энг муҳим босқичларидан бири — мамлакатнинг бутун минтақаларни қамраб олган тез тиббий ёрдам тизимини яратиш бўлди. Бу тизимда энг малакали мутахассислар ишлаши керак. Президент Ислом Каримов ўтган йили март ойида имзо чеккан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ана шундай тизимни вужудга келтиришга қаратилгандир.

Марказ очилгунига қадар катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ҳозир Марказ энг замонавий ўқув жиҳозлари, кўп функцияли тренажёрлар билан таъминланган. Улар турли жароҳатлар, юрак-ўпка касалликлари, педиатрия ва акушерлик фаолиятида қўлланиладиган дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини ўзлаштириш имконини беради. Марказда шикофорлар, тиббиёт ҳамширалари ҳамда «Тез ёрдам хизмати» фельдшерлари, шунингдек, ёрдамчи ходимлар, жумладан машина ҳайдовчилари учун курслар ташкил қилинади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда турли фалокатларда аҳолига ёрдам кўрсатувчи авария-қутқарув хизматига эга бўлган бошқа идораларнинг мутахассисларини ҳам ўқитиш кўзда тутилган. Маросимда сўзга чиққан Ричмонд шаҳри Тез тиббий ёрдам бошқармасининг ижрочи директори Ж. Овертон ўзбекистонлик ҳамкасбларини ишонтириб айтганидек, бу ерда олинган билим ҳамда илғор тиббий технологиялардан амалда фойдаланиш аҳоли ўртасида касалликнинг кескин камайишига кўмаклашади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг анестезиология ва реаниматология кафедрасининг етакчи шифокорлари янги Марказнинг дастлабки ўқитувчилари бўлишди. Уларнинг кўпчилиги МДҲдаги мана шундай Марказларда малака ошириб қайтган эди. Улар кейинчалик АҚШга бориб ҳам малака оширади. Чунки, бу мамлакатдаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқлар бутун дунёда эътироф этилган.

Янги ўқув юртида компьютер ва дастурий таъминот билан жиҳозланган ахборот маркази ҳам ташкил этилган. Марказда Интернет ва электрон почта воситасида бошқа мамлакатларнинг энг яхши тиббиёт марказлари билан алоқа боғланиб турилади. Бу янги тиббиёт технологиялари билан танишишгина эмас, зарур бўлганда хорижий ҳамкасблар билан маслаҳатлар ўтказиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров Марказнинг очилиш маросимида қайд этганидек, бундай ўқув тузилмасининг барпо этилиши мамлакатимизда Тез ёрдам миллий Марказини ташкил этишдаги дастлабки қадамдир. Энди республиканинг барча вилоятларида Марказ филиаллари очилади.

Марказ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқининг ҳамкорликдаги дастлабки лойиҳаси эмас. Кейинги йилларда оналик ва болаликни сақлашни яхшилаш, аёлларга ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган бир қанча шерикликдаги дастурлар амалга оширилади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишга кўмаклашадиган ана шундай ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам давом эттирилади.

Янги ўқув Марказининг дастлабки тингловчиларига таҳсилни тугатгани ҳақида сертификатлар тантанали равишда топширилди. Улар орасида Тошкентдаги «Тез ёрдам» хизматида ишлайдиган шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда ҳайдовчилар бор.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўқув марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев, Т. Рисқиев иштирок этди.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Пресел сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Яна бир санъат байрами

Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида миллатпарвар шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон хотирасига бағишланган «Андижон баҳори—99» халқаро театр фестивали бошланди.

Фестиваль санъат ва чўлпонхонлик байрамига айланди.

17 майдан 22 майгача давом этадиган анжуманда Фарғона водийси, шунингдек, Бошқирдистон, Қирғизистон театр жамоалари санъаткорларининг қатор саҳна асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

Аҳмадулло СОЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 18 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	77,53
1 Австрия шиллинги	9,06
1 Англия фунт стерлинги	189,48
10 Бельгия франки	30,92
1 Голландия гульдени	56,59
10 Греция драхмаси	3,84
1 Дания кронаси	16,79
1 БАА дирхами	31,86
1 АҚШ доллари	117,03
1 Миср фунти	34,32
10 Испания песети	7,50
100 Италия лираси	6,44
1 Канада доллари	79,91
1 Хитой юани	14,14
10 Люксембург франки	30,92
1 Малайзия рингги	30,80
1 Германия маркаси	63,77
1 Польша злотийси	29,86
1 СДР	157,96
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	20,98
1 Франция франки	19,01
1 Швейцария франки	77,73
1 ЕВРО	124,72
10 Жанубий Корея вони	0,97
10 Япония иенаси	9,49
1 Россия рубли	4,70
1 Украина гривнаси	29,84

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Кино ойлиги

Фарғона вилоятида Кино ойлиги бошланди. Вилоят ҳудудидаги барча жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари, корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари, мактабларда уларнинг буюртмалари асосида турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Комиссия мажлиси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармойишига мувофиқ мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилган эди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида ана шу комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев олиб борди. Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармойиши мамлакатимиз, унинг халқи ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамиятга молик ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Уни ҳаётга изчил татбиқ этиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда Ватан озодлиги ва истиқлоли учун курашларда ўз жонини фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинлик сари чорлаган, шўролар тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш масалаларини ҳал этишга юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда адолатли ёндошиш, кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, бу борадаги ишларни амалга оширишда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардаги архив материалларидан кенг фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА)

Шартнома тузиш ҳангомаси

ёки қонун бошқа... иш бошқами?

Ҳаммаси пахта ва дон маҳсулотларига контрактация шартномаси тузишдан бошланди. Ўтган йили 12 декабрь соат 16 да жамоа хўжалиги раислари, бош ҳисобчилар, ҳуқуқшуносларни ҳокимликнинг мажлислар залига тўплашди. Фарғона пахта тозалаш ва қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти раиси А. Давитбоев шартнома лойиҳасини раисларга бераркан, «Ҳаммаси ўтган йилгидек қолди, ҳозироқ имзолаб, муҳр босиб берінглар», деди буйруқ оҳангида.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом»да бундай шартномаларни тузиш учун раисларни ҳокимлик биносига тўплаб эмас, балки хўжаликларга бориб тузиш мажбурияти тайёрловчи вакилларга юклатилади. Хўжалик эса шартнома лойиҳасини олган кундан бошлаб етти кун ичида уни синчковлик билан ўрганиши, зарур ҳужжатларни сўраб олиши, лозим топса ўз имкониятларидан келиб чиқиб лойиҳанинг айрим шартларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида келишмовчиликлар баённомаси тузиши, юридик хизмат ходими ёки жалб қилинган адвокатларнинг шартнома қонунга мос тузилаётгани хусусидаги хулосасини олиб, имзолаб, сўнг уч кунлик муддат ичида тумандаги маҳсулот тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекциясига рўйхатга олиш учун тақдим этиши керак.

Ёнимда ўтирган раислардан бирига шуларни тушунтирмоқчи бўлдим.

— Э..., ҳар йили шунақа, — деди у лоқайдлик билан, — барибир шартномага имзо қўйдиришади...

Уларнинг кайфиятидан, қонун бузиладими, хўжаликка зарар келадими, барибир, келишиб ишлашга ўрганиб қолганликлари кўриниб турарди. Шундан бўлса керакки, А. Давитбоев «топшириғи»ни раислар ҳеч монесиз бажардилар. Шартномани имзоладилар.

Ҳарқалай ҳуқуқшунос эмасманми, А. Давитбоевга юқоридаги қонун талабини эслатиб қўймоқчи бўлдим. Аммо ўжарлигим унга ёқмади шекилли, 1998 йил 6 декабрда ўзининг юқори идорасидан юборилган, 15 декабргача шартномаларни тузишни тугаллаб, ахборот бериш лозимлиги тўғрисидаги бир хатни кўрсатиб, «Тушундингизми, бу — топшириқ, уни бажаришим шарт!» — деди киноя билан.

Топшириқ! Биргина шу қонунсиз топшириқ шартнома тузиш қоидасини издан чиқариб, қонунни оёқ ости қилса, хўжаликларнинг иқтисодига зарба берса не ажаб!

Ўтган йил 1 ноябрдан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Унда шартномалар тузишдан олдин ҳуқуқий хизмат ходими ёки жалб қилинган адвокат унинг қонунга мослигини тасдиқлаб имзолаши, шартнома қиймати энг кам ойлик маошининг 200 бараваридан кўп бўлган тақдирда эса ходимларнинг алоҳида юридик хулосаси бўлсагина шартномани имзолаш лозимлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятини бажармаганлик учун мансабдор шахса жуда қаттиқ жавобгарлик чоралари белгиланган.

Шу йилнинг бошларида вилоят миқёсида хўжалик раҳбарларининг ўқув курси ташкил этилиб, уларга ҳуқуқ, ҳисоб-китоб, иқтисод ва хўжаликни бошқариш илмидан сабоқ берилди. Имтиҳон олинди. Минг афсус, бу ишларнинг самараси паст кўринади.

Орадан 3 ой ўтгач, янги контрактация шартномаларини тузиш учун энди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тўплашди. Яна ўша ҳолат. Шартономаларнинг бирортасида юридик хизмат ходимларнинг хулосаси йўқ. Шартнома тузилаётган кунгача Фарғона пахта тозалаш ва қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятининг У. Юсупов номли жамоа хўжалигидан ўтган йили қабул қилиб олган пахта ҳақидан 2,5 миллион сўм қарзи бўлган. Шартномада якуний ҳисобкитоб муддати кўрсатилмаган. Раис янги тузилаётган шартномада бу нуқсонни бартараф этмай имзо чеккан. Сўнг уни имзолаш учун менга беришди. Шартнома тузиш қоидаси бузилгани, ундаги хўжалик манфаатига зарар келтириши мумкин бўлган ҳолатлар бартараф этилмагани хусусида ёзиб берган юридик хулосам эса на фақат тайёрловчини, не ажабки, мен манфаатини ҳимоя қилаётган раисни ҳам дарғазаб қилди.

— Сиз мени керакли идора раҳбарлари билан тескари қилиб ташладингиз, — деди у зарда билан яқинда мени хонасига чақириб.

Қонунга риоя қилиш хусусида оғиз очган эдим ҳамки, — Э.., қонун, қонун дейсиз, барча қонуний ишлаяптимми. Қонун бошқа, бу ёқдаги иш бошқа... нима, сиз ҳаммадан ақлимисиз, бошқа юристлар хулоса ёзмабдику? — деди ўшқириб, сўнг. — Бўлди, сиз билан ишлолмаймиз! — деб сўзини якунлади.

Бу гапларга бирон нима деб жавоб қайтаришни ўзимга эп кўрмадим.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис XIV сессиясида Президентимиз: «... олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир ва яна кадрларга бориб тақалади. Эски андозалардан ҳамон қутилолмаяпмиз, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечяпти», дедилар куюнчаклик билан.

Афсуски эски тузум иллати қон-қонига сингиб кетган инсонлар Президентимизнинг бу гапларини, янги чиқаётган қонун-қарорнинг мазмун- моҳиятини англамайди. Ёки англаса-да ҳуқуқий онги шаклланмагани боис, уларни дадиллик билан ҳаётга татбиқ қилолмайди. Ўзи бошқараётган хўжаликнинг қонуний манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга ожиз, шижоати етмайди. Бу биринчиси. Иккинчи, бир хунук иллат — манманлик, калондимоғлик. «Мен раҳбарманми, топшириғим муҳокама қилинмайди, тўғрими, нотўғрими, айтганим бўлиши шарт», деб ўйлаш.

Албатта, жамиятнинг ўзи бундай нуқсонли кишиларни аста-секин четга улоқтириб боравераді. Лекин, ислоҳотни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири қонун устуворлигини таъминлаш экан, бу соҳада хизмат қилаётган ҳамкасбларимнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қатъиятли ва фаолроқ бўлишларини истардим.

Назиржон ИСАКОВ,
ҳуқуқшунос,
Фарғона тумани.

Муаммолар илдизи

Муносабат

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнатни ва унга ҳақ тўлашнинг кенг тарғиб қилинаётган пайчилик, яъни ширкат хўжаликларни ташкил қилиш шакли меҳнаткашларимизда ерга эгалик ҳиссини уйғотмоқда. Ер эгаси ҳисобланаётган—оилавий пудратчи ёки пайчи ўз аъзоларига бириктириб берилган 1 ёки 1,5 гектар ерда асосан қўл кучи билан меҳнат қилади. Тўғрисини айтганда, пахта , йиғим-терими даврида Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида териб топширилган пахта ҳосили учун тўланадиган меҳнат ҳақидан ташқари деҳқонларга бошқа ҳақ деярли берилмайди. Йил якунида эса баъзи фермерлар жамоа хўжалиги билан ҳисоб-китобда пай ҳақи олиш ўрнига, шартномада кўрсатилган пахта ҳосилини бажарган бўлишига қарамай, пай ҳақи ололмайди. Сабаби жамоа хўжалиги йилни зарар билан якунлаган бўлиб, қўшимча пай ҳақи тўлаш имконияти бўлмайди. Мамлакатимизда яқинда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунларни жойларда амалиётда қўлланилишида, меҳнатни тўғри ташкил қилишда оқсоқликлар мавжуд.

Оилавий пудратчи ёки пайчи ўзига бириктириб берилган ерда етиштириладиган маҳсулотнинг таннархини белгилашда уруғнинг баҳосидан бошлаб, ерни ҳайдаш, ишлов бериш ва бошқа харажатларни ҳисобга олиши лозим. Умумий турдаги қилинган харажатлар юзасидан жамоа хўжалиги тарафидан пудратчиларга деярли ҳеч қандай ҳисобот берилмайди. Ер эгаси ўз ерида етиштирилган маҳсулот қанча сўмга тушгани ва қанчага сотилганини билмагандан кейин уни кенг маънода ер эгаси деб бўлмайди. Пудратчи, яъни пайчи ўзи қилган меҳнатга қўшимча даромад оладими, йўқми, билмаганидан кейин ўз-ўзидан меҳнатга қизиқиши, ерга эгалик ҳисси сусаяди.

Республикамиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликларига катта эътибор қаратиб келинаётибди. Туман ва хўжаликлар томонидан деҳқон-фермерлар ташкил қилиш ва уларни ривожлантириб бориш учун етарли эътибор қаратилаётибдими? Деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил қилишнинг амалда қўлланилаётган шакли, яъни бирданига ўрта деҳқон ёки фермер хўжаликларнинг ташкил қилиниши, уларнинг ихтисослашиб олишларини таъминламасдан туриб режалар юкланиши иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига мос келмаяпти. Ана шунинг учун ҳам бу соҳада кўзланган мақсадга эришиш жуда суст бормоқда. Бироқ жамоа хўжаликлари фаолиятида бозор муносабатларининг ривожланишига мос келадиган деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни вужудга келтиришда, ҳар бир жамоа хўжалигида етиштириладиган маҳсулот миқдори, турини ўзгартирмасдан, тенг имкониятлар асосида ўзаро рақобат кураши орқали маҳсулот етиштирувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги майда хўжаликларни ташкил қилиш ўринлидир. Шундагина майда хўжаликларни ўзаро иқтисодий манфаат асосида бирлашишлари ва шу орқали турли ҳиссадорлик ташкилотларини ташкил қилишга асос яратилади.

Агар жамоа хўжаликлари хонадонларда сақлаб боқилаётган чорвани ҳисоблаб, ҳар бир шартли қорамолга 0,3 гектар ҳисобида ер бўлиб берилса, жамоа хўжаликлардаги мавжуд экин майдонларининг 60 фоизини эгаллайди. Фермер хўжаликларининг олаётган фойдаси чорва ҳисобига эмас, чорвани сақлаш ва емхашак билан таъминлаш учун берилган ер ҳисобига бўлмоқда. Ҳар бир жамоа хўжалиги имкониятидан келиб чиққан ҳолда чорвачиликни деҳқончиликдан ажратмасдан, ҳар бир оилани деҳқон-фермер хўжалигига айлантириш ҳамда хўжаликдаги пахтадан ташқари барча экин майдонларини шартнома асосида беркитиб, давлат буюртмасининг бажарилишини таъминлаш муҳимдир. Майда деҳқон-фермер хўжалиги билан ҳар бош шартли қорамолга 0,3 гектар ер ҳисоби билан эмас, ҳар бир хўжаликнинг мавжуд озуқа баъзаси имкониятидан келиб чиқиб чорвачилик билан шуғулланадиганлар талаби асосида шартнома тузиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги шароитда шаҳар ва туман марказларига яқин жойлашган оилалар деҳқон-фермер хўжалиги бўлмаган, ҳеч қандай қўшимча ерга, озуқа базасига эга бўлмаган ҳолда қорамоллари учун ем-хашак ва омухта емни фермерларга нисбатан қимматроқ нархда сотиб олиб, қорамол сақлаб, гўшт, сут етиштириб ўзларига даромад келтирмоқда. Сабаби, бу оилалар ўз маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотишлари учун кам харажат қиладилар.

«Уларнинг ўрнига хўжаликлар билан шартнома асосида ишлайдиган, хўжаликларга малакали ва моддий ёрдам берадиган ҳиссадор ташкилот хизматларини ташкил этишни замон тақозо қилмоқда». *(Ислом Каримов. «Деҳқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи»).*

Мавжуд ташкилот ва бирлашмаларнинг монопол тазйиқ ўтказиб, маҳсулот етиштирувчи билан маҳсулот қабул қилувчилар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик, тўсиқ ва муаммо яратишларига иложи борича барҳам бериш, ҳар икки томон ўз меҳнатлари муаммоларини тезроқ ҳал қилишларига;

маҳсулот етиштирувчиларнинг ўзлари кўпроқ фойда олишларига;

уларни ўз меҳнатлари билан янада бемалолроқ шуғулланиб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришларига шароит яратиш ва шу билан даромадларини янада оширишларига;

ҳар бир жамоа хўжалиги жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштириши, шу орқали валюта ишлашларига шароит ва имкониятлар яратиш;

ҳар икки томоннинг меҳнат якунидан манфаатдорлигини ва меҳнат сифатига жавобгарлигини вужудга келтириш ҳамда баъзида йўл қўйилаётган техника қаровсизлиги, эгасизлигига барҳам берилишини таъминлаш жуда зарурдир.

Майда, кичик-кичик бўлакларга бўлиб юборилган, яъни янги ташкил қилинган оилавий деҳқон-фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзаро рақобат кураши асосида иқтисодий манфаат учун бирлашишлари вужудга келади. Шу тарика ўрта деҳқон ва фермер хўжалиги — мулкдорлар вужудга келади. Янги ташкил қилинган хизмат кўрсатувчи сервис хизматлари эса ўзаро рақобат кураши асосида кичик ва ўрта хизмат кўрсатувчи ҳиссадорлик жамиятлари, замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ҳиссадорлик жамиятлари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд қилинишига эришилади.

Абдулла ЖУМАНАЗАРОВ,
иқтисодчи, Хоразм вилояти, Боғот тумани,
Юсуф ЖУРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ

Ўзбекистон мусиқа маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Моҳир созанда, устоз-мураббий, ўзбек миллий бастакорлик санъати карвонбошиларидан бири, бетакрор ижодий тафаккур соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев 86 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

М. Мирзаевнинг мусиқа санъатига бўлган ихлоси уни ҳаваскорлик тўгаракларига етаклаб борди ва у ўзбек халқ чолғу асбобларини маҳорат билан чалиш сирларини эгаллади. У 1936 йили биринчилар қатори якканавоз созанда сифатида ўзбек давлат филармониясига қабул қилинди ва умрининг охиригача шу жамоада самарали ижод қилди.

Ноёб истеъдоди, тинимсиз изланиши туфайли М. Мирзаев тез орада ўзбек мумтоз куйларини маҳорат билан ижро этди. Оммабоп фольклор мусиқаларига сайқал берди. Дастлабки мустақил мусиқий асарларини ярата бошлади. Ижодининг илк палласидаёқ у басталаган «Меҳнат аҳли», «Жонон» сингари қўшиқ ва куйлар тез орада бастакор номини бутун мамлакат бўйлаб танитди.

1949-53 йилларда М. Мирзаев Тошкент давлат консерваториясида таълим олди ва ўз меҳнат фаолиятини янги ташкил этилган «Лазги», «Шодлик», «Баҳор» каби ашула ва рақс ансамбларининг мусиқий раҳбари, маслакдоши сифатида давом эттирди. Шу йилларда у басталаган «Баҳор вальси» нафақат «Баҳор» ансамблининг мусиқий рамзи, балки бутун Ўзбекистон диёрининг гўзал табиатини ўзида мужассам этган энг нодир мусиқа асари сифатида дунёга келди ва ўзбек миллий мусиқа санъати хазинасининг улкан бойлигига айланди.

М. Мирзаев бастакорлик фаолиятида муайян ижрочиларга мўлжаллаб, янгича талқин йўлларини кашф этган ва ўз мактабини яратган буюк санъаткорлардан бири. Унинг машҳур ҳофизлар ижросида мукаммал сайқалини топган «Суратинг», «Якка бу Фарғонада», «Айрилмасун», «Кўзларинг», «Ёр истаб» ва «Мустаҳзод», «Хону васлинг», «Кўзим шаҳлога тушди", «Парвона бўлдим» сингари ўнлаб қўшиқ ва куйлари ўзбек халқининг маънавий мулкига айланиб қолди.

М. Мирзаев фидоий инсон, жонкуяр мураббий, ёш истеъдод эгаларининг бетимсол таянчи ва ғамхўри эди. У миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатида ўз овозига ва ижро усулига эга бўлган ўнлаб халқ суйган санъаткорларни, қобилиятли бастакорларни тарбиялаб етиштирди.

М. Мирзаев ўзбек миллий мусиқа санъатини ривожлантиришдаги кўп йиллик ҳалол, фидокорона меҳнати, самарали ижодий фаолияти учун «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига, бир қанча орден, медалларга сазовор бўлган, эл суйган ардоқли санъаткорлардан эди.

Бутун умрини Она Ватанимиз маънавий салоҳиятини бойитишга сафарбар этган, халқимиз шон-шавкатини, миллат руҳи ва миллат шукуҳини ўзининг жозибали куй-қўшиқлари орқали тараннум этган атоқли санъаткор, камтарин инсон Муҳаммаджон Мирзаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Т. АЛИМОВ, Н. ЖУРАЕВ, Х. ЖУРАЕВ, А. ОРИПОВ, Р. АБДУЛЛАЕВ, Т. АЛИМАТОВ, М. ЙЎЛЧИЕВА, Ў. САИДЖОНОВ, Р. ЮНУСОВ, Ҳ. НОСИРОВА, Г. ИЗМАЙЛОВА, А. ИСМОИЛОВ, О. ҚОСИМОВ.

Боқий шажарага путур етмасин

Миллат ва маънавият

Қадимги Спарта давлатида янги туғилган болани жамоа оқсоқоли ҳузурига олиб боришар экан. Агар бола соғлом ва чайир бўлсагина алоҳида тарбияланар экан. Фарзандларни мард ва жасур, эпчил ва кучли қилиб тарбиялаш, югуриш, сакраш, кураш тушиш санъатини пухта ўрганиш Юнонистонни оламга машҳур этганлиги айни ҳақиқат. Шу боис мустақил юртимизнинг келажаги аёлларимизга, уларнинг саломатлигига чамбарчас боғлиқ эканлигини Президентимиз қайта-қайта такрорламоқдалар.

—Яқинда қабулхонага бир киши келди, —деб сўзини бошлади Зарбдор тумани марказий касалхонаси бош ҳакими Эркин Турсунов. — У гапининг орасида, «невараларимдан ҳеч кўнглим тўлмайди, ҳам ақлий, ҳам жисмоний нуқсони бор, нега шундай экан?» деб қолди. Мен унинг оиласини, қуда ва андаларини суриштира бошладим. Маълум бўлдики, меҳмоним яқинларидан келин туширган, қизларини қондош оғайниларига берган экан.

Тарихий манбалардан, китоблардан, битиклардан биламизки, аждодларимиз паҳлавон, кураги ерга тегмаган ботирлардир. Лекин, сўнгги вақтларда шундай паҳлавонлар авлоди баъзан жисмонан майдалашиб кетаяпти.

Эркин аканинг гапига қараганда, туманда келгуси авлод баркамоллиги учун ҳамма чоралар кўриляпти. Туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. 70 ўринли туғуруқхона, аёллар маслаҳатхонаси мавжуд бўлиб, унда малакали мутахассислар самарали иш олиб бормоқдалар. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят ташкилотидан ёрдам уюштирилмоқда. Маҳаллаларда оилада соғлом фарзанд кўриш борасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориляпти. Энди ҳаётга мустақил қадам қўяётган, оила қуришга ҳаракат қилаётган йигит-қизлар, мактабларидаги юқори синф ўқувчилари билан бу мавзуда суҳбатлар ўтказиляпти. Тўғри, тиббиётчилар бу йўлда кўп саъй-ҳаракатлар қилмоқдалар. Ютуқлар ўзимизники. Лекин нега шунча иш қилинаётган пайтда бош ҳакимнинг қабулхонасига неваралари нинг соғлиги тўғрисида шикоят қилиб келганлар учраяпти. Бунга ким жавоб бериши керак? Никоҳни қайд қилиш ташкилотлари қаёққа қараяпти, қондош ёшларнинг оила қуриши оқибати хунук бўлишини огоҳлантиришни унутиб қўяптиларми?!

Биз ёшларимизни Ватан ҳимояси учун ҳамиша тайёр туришга ундаяпмиз. Ватанни ҳимоя қиладиган йигит ёвқур, бақувват, жисмонан чиниққан бўлиши керак эмасми?! Ахир Жалолиддин Мангубердини кўриб йиғлаган Чингизхонни кўз олдимиздан бир дақиқа бўлса ҳам кетказмаслигимиз керакку!

Зафаробод туманида бўлганимизда баъзи ёшлар сараланган қўшинимиз учун талабга жавоб бермаётгани ҳақида шифокорлар гапириб берганида ер чизиб қолдик. Бирининг бўйи паст, вазни енгил, наслий касалликларга чалинган!

Соҳибқирон Амир Темур уйланадиган фарзандими, неварасими, қатъи назар, унга икки йил илгари чекиш-ичишни ман қилган. Оила қургандан кейин маст қиладиган ичимликлар ичиш бутунлай тўхтатилган, бундай ҳоллар содир бўладиган бўлса, оила бошлиғи жазоланган. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ шажара ўз ақли заковоти билан неча аср дунёни лол қолдирди, асрлар оша жаҳон маданияти, тараққиётига ўзларининг муносиб улушини қўшди. Нега энди бугунга келиб шундай миллатнинг авлодлари бўлган баъзи бир кишилар бу масалага бефарқ қарайдилар.

Яқинда тошкентлик олима Феруза Пўлатова раҳбарлигидаги бир гуруҳ шифокорлар Зарбдор тумани аҳолиси ўртасида тиббий кўрик ўтказишди. Суҳбат чоғида бир аёлдан неча фарзандингиз бор деб сўраганларида 3 нафар деб жавоб берди. Яна қанча туғмоқчисиз, дейишганида, энди бас, шуларни тарбияласам, ўқитсам, уйли-жойли қилсам ўзи етади, деди. Шифокорлар шу аёлнинг уйига борганларида ҳар томонлама саранжом- саришталикнинг, соғлом турмуш тарзининг гувоҳи бўлишди.

—Яшириб нима қиламиз, ҳали ҳам туманимизда қариндош-уруғ эр-хотинлар бор,—дейди Бахмал тумани поликлиникаси акушер- гинекологи Анора Хидирова. — Шундайлар ҳам борки, берилган маслаҳатларга қулоқ солишмайди. Афсуски ўз билганларидан қолмаганларнинг оиласи мустаҳкам бўлмайди. Фарзандлар жисмоний нуқсон билан туғилади. Бунга никоҳни қайд қилиш идораларининг ходимлари йўл қўймасликлари керак. Жисмоний нуқсон билан туғилган фарзанд наинки оиланинг балки, миллатнинг фожиасига олиб келади. Афсус, буни баъзилар англаб етмайди.

Лекин, масаланинг асл моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, бу борада аёлларнинг ўзлари қатъий бир хулосага келишлари керак.

Боқий шажарага путур етмасин. Зотан, миллатнинг давомчилари ёш авлодлардир. Она элни, миллатни яратувчи табаррук зот. Боқий шажара уларнинг сиҳатлигида, саломатлигида, маънавий бойлигида эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Санъат ғунчалари

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Қарсак» доирачилар гуруҳи ҳамда «Баҳор ғунчалари» рақс дастаси етти ёшга тўлди. Ҳар йили ўтказиладиган «Илҳом чашмалари» республика кўрик танловида фахрли ўринларни эгаллаб келаётган «Қарсак» дастасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Алимуҳамедов раҳбарлик қилади.

Мана бу жажжи болакайларни қаранг, доира кўтаришни ҳам эплашолмайди, аммо ўргатасиз деб келишаверади, ўргатмай бўладими.

Ҳа, кўзларидан самимий меҳр ёғилиб турган бу болакайларни, қизалоқларни хафа қилиб бўлмайди. Улардаги иштиёқни кўриб ҳар қандай инсон ҳам завқ олади, қилаётган ишидан мамнун бўлади.

Саҳнага ҳаворанг ва оқ либосларда доирачилар гуруҳи чиқиб кела бошлади. «Баҳор ғунчалари» дастасининг раҳбари Малика Алимуҳамедова даврага ёш рақҳосаларни таклиф этди. «Дилхирож» ўзбекларнинг азалий, севимли рақси. Атрофга жимлик чўкди, гўё болакайлар эплай олармикан дегандек барчанинг нигоҳида ҳавотир. Учқун аканинг ишораси билан доираларнинг ғолибона гумбур-гумбури мусиқа пардаларининг юракни тўлқинлантирувчи оҳангларида таралди. Беихтиёр куйга мос қарсак оҳанглари янграй бошлади. Жажжи бармоқчаларнинг майин ҳаракати бир олам маъно касб этади. Болаларнинг доирани усталик билан ўйнатиб чалишлари ҳаммани мафтун қилди. «Ўзбекнинг боласида, қўлидан келмайдиган иш йўқ» — деганлар ҳам бўлди.

Жўра ЮСУПОВ

Бозорга етмасдан қилинган савдо

ёки туман солиқ инспекцияси бошлиғидан ўз гуручини ўзлари сотиб олган сотувчиларнинг саргузаштлари ҳақида

Шу йил 21 февраль куни Пахтачи тумани Давлат автомобиль назорати постида Хоразмдан келаётган бир «КамАЗ» юк автомашинаси ундаги гуруч ҳужжатларида камчиликлар борлиги учун ушланади ва бу хусусда туман солиқ идорасига хабар қилинади. Воқеа якшанба куни бўлганлиги туфайли инспекция бошлиғи Саъдулло Қаюмов ҳужжатларни ўзи олиб ижросини ҳам ўзи таъминлашга киришади. «КамАЗ»даги гуручнинг нақд 35 минг сўм фойда келтиришини билгач эса нафси измига бўйсуниб, унинг тенг ярмини «шилиб» олиш пайига тушади. Шу мақсадда у Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида яшовчи Рустам Рўзибоев бошқарувидаги 22 В 32-26 давлат белгили «КамАЗ» русумли автомашинадаги 7 тонна ҳужжатсиз гуруч маҳсулотларини расмийлаштириб чиқариб бериш эвазига фуқаро У Сейдаметов, И. Ҳайитбоев, Д. Саъдуллаев, О. Абдуллаев, З. Тожибоева, Р.Эшқобилов, З. Кўзиев, Ш. Собиров, Ш. Сайфиев, Н. Хидирова ва Н. Арзикуловлардан 175 минг сўм миқдорида пора талаб қилади.

Ўрокда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлиб қолган бу мансабдор шахснинг талаби, табиийки, кўпчилик бўлишиб бир «КамАЗ»ни ёллаб ўз маҳсулотларини олиб келаётган кишиларда норозилик уйғотади. Бироқ солиқ бошлиғининг «Мен фақат биттангиз билан гаплашаман» деган талабига кўра у билан «келишиш» учун Зуҳро Тожибоевани ўзларининг номидан «вакил» қилиб жўнатадилар.

Ҳали бозорнинг эшигидан кирмаган гуруч маҳсулотига йўлнинг устида, «Нексия» автомашинаси ичида нарх қўйилади. Ажабланарлиси, гуручни харидор эмас, балки сотувчиларнинг ўзлари сотиб ола бошлайди.

«Зуҳрахон, биласизми, бу сотувчиларингиз ундан қанча фойда қилишади... Агар ҳар килосидан 50 сўмдан қолганда 350 минг сўм нақд фойда бор. Мен шундан ярмини сўраяпман, холос» — дейди Саъдулло. Зуҳрахон эса, «Барака топинг, акажон, бизда ҳозир унча пул йўқ. Гуручни сотганда тақдиримизда ҳам бунчалик ноинсофлик қилманг», — дея ялинишга тушади. Ниҳо , бичилган нархни 85 мингтага туширган Зуҳрахон шериклар олдига қайтади.

Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ қайғуси экан. Пичоқдан қутулиш чораси топилаётганидан севинган сотувчиларнинг бошига энди яна бир ташвиш тушади. Ҳеч кимда бунча нақд пул йўқ эди. Охири, ораларидаги каттақўрғонлик И. Абдуллаевдан 35 минг сўм пул қарз олишади.

«Атиги 35 тами, қолганичи?», дея асабийлашаётган солиқчини қолганини эртага олиб бориб бераман», дея тинчлантирди Зуҳра. Бироқ, сувни кўрмасдан этик ечмайдиган солиқчи гуруч ортилган «КамАЗ»ни уларга қайтаришни ҳам худди улар сингари насия қилди.

Эртасига 50 мингнинг бошини қўшиб келган гуруч эгалари, Зуҳрахон ва солиқчининг бошини бириктира олмадилар. Зуҳрахон касал бўлиб қолади. Бу борада эса, пишмаган савдо сасий бошлади. Яъни, гуруч эгалари ва туман солиқ инспекцияси бошлиғининг ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзлар болалаб, бир томони прокуратурага ва иккинчи томони вилоят ички ишлар бошқармасига ўрмалаб кетади.

Ниҳоят, учинчи куни 50 мингни «эгасига» бериш учун саъй-ҳаракатлар бошланди. Бироқ, Саъдулло Қаюмов ҳаммани лол қолдириб, ишлов берилган 50 мингни олмади. Устига-устак, илгари олган 35 мингни ҳам Зуҳрахонга қайтариб бериб, «Сиз анави 12 кишини ўзим тинчитаман дегандингиз, уларингиз бўлса, пора олди деб ҳамма ерга овоза қилиб юрибди» — деган жавоб билан Зуҳрани машинасидан тушириб «Энди гуручга ва унинг эгаларига нисбатан қонуний чора кўрилади» — дея кетмоқчи эди. Бироқ ички ишлар ходимлари унинг ўзини тўхтатишди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси Коррупция рекэт ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Акобир Жўраев, тезкор вакил Азамат Тошев ҳамда вилоят прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси Исмат Йўлдошевлар томонидан олиб борилган тезкор тергов ва суриштирувлар чоғида ўрганилган жараёнлар солиқчи бошлиқнинг порахўрлигини тўла-тўкис исботлаб берди ва вилоят суди ҳам бу ҳолатларни тасдиқлаб, ушбу мансабдор шахсга 10 йил жазо муддати тайинлади.

Жиноятчику ўз жазосини олди, аммо, бирники мингга, мингники туманга дегани каби, бундай мансабдор шахслар қилмишидан кўпчилик солиқчи биродарларимиз юзига ҳам доғ тушиши турган гап. Лекин, биз уларга таъна қилиш фикридан йироқмиз ва уларнинг республикамиз тараққиётига қўшаётган ҳиссалари улуғлигини сира инкор этмаймиз. Мақсадимиз, нафақат Давлат солиқ идораси вакиллари таркибида, балки бошқа соҳаларда ҳам Саъдулло Қаюмов каби мансабдорларнинг хурмача қилиқлари халқимиз вакилларини сарсон-саргардон қилаётганини таъкидлаб, улардан тезроқ қутулиш учун барча жараёнда қонуний ҳаракатлар қилишимиз зарурлигини таъкидламоқчиман. Ахир 12 чоғли одам Хоразмдек узоқ маскандан гуруч олиб келар экан, наҳотки улар гуруч ўзларининг эканлигини таъкидловчи бир энлик қоғозни олиб юришни лозим топмади дейсиз. Зеро, қонун барчага баробар. Қонунни чалғитмоқчи бўлганларнинг эса ўзлари чалғиб қолиши тайин.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани

Саид АҲМАД

Азроил ўтган йўлларда

Ҳикоя

Собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан юртдошларимга бағишлайман.

Зулфиқор қудаларига полвонни таништирди.

— Ихтиёрни ҳам, Ҳамрони ҳам танийсизлар. Полвон ака биз билан санаторийда бирга дам олянтилар. У киши кўп яхши одам. Босиқ, мулоҳазали, андишали.

Полвон ичидан зил кетди. У ўйларди, шу андишали, шу мулоҳазали одамнинг фарзанди бу оилага чексиз жафолар қилган. Қаршингизда ўтирган шу андишали одам — одам эмас, бўрининг, шоқолнинг отаси...

Ҳали бир-бири билан танишиб улгурмаган одамлар одатда у ёқдан-буёқдан гапириб, охири суҳбат мавзуини топиб оладилар.

Айний театрига Обид қизиқ билан Мирза қизиқ келганини, роса қизиқ ҳангомалар айтиб одамларни кулдиргани, Баҳовуддин пирим зиёратидан қайтаётган Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов Лабиҳовузга чой ичгани келишганини, одамлар ўраб олганини, Девонбеги мадрасасининг гумбазигача одам тўлиб кетганини, икки соатдан ортиқ шеър ўқитишганини гапиришарди.

Бу бўлаётган гаплар Полвоннинг қулоғига кирмас, икки кўзи девордаги суратга қадалган. Назарида суратдаги аёлнинг қулоғида зирак қимирлаётганга ўхшайверди. Ихтиёр Камол меҳмонларга мулозамат қилиб, кириб-чиқиб турган Зулфиқорнинг қулоғига нимадир деди. У бош ирғаб, хўп, деб чиқиб кетди-да, билагига иккита тўн ташлаб кирди.

— Қудажонлар, бу меҳмонларимизни, — у полвон билан Ихтиёр Камолга ишора қилди, — дўхтирлардан қарзга олиб келганмиз. Кетишмаса бўлмайди. Полвон аканинг томирларига дори юборадиган пайт бўлди. Нима дейсизлар? Жавоб берайлига...

Зулфиқор полвон билан Ихтиёрнинг елкасига тўн ташлади.

Улар икковлашиб машинада қайтишар экан, Зулфиқорнинг уйидаги аёлларнинг пазандалигига тасаннолар айтишарди.

— Дўстим, — деди Полвон, палатага киришгач, — ўзига ўт қўйган аёл тўғрисида кейин айтаман, деган эдингиз. Айтинг, нима бўлган?

— Хунук иш бўлган, жўражон, жуда хунук, анаву ярамас, ит эмган Қўчқор Зулфиқорни қамаб, кўп азоблар берди. Зулфиқор ҳам анойи одамлардан эмас. Хоннинг саройидек уйни қуришга ғиштни қайдан олдинг, тахтани қайдан олдинг, деб қийин-қистовга тутаверди. Зулфиқор иморат учун нимаики олган бўлса, ҳаммасига ғишт заводидан, тахта искалатидан, семону тунукагача чек ёздириб олган экан. Бундан иш чиқазолмаган терговчи, қанча пахта сотиб олгансан, қанча сотгансан, деб қийнайверади. Пахта заводини уч марта ревизия қиладилар, пичоққа илинадиган бирон ишкал тополмайдилар. Тиллангни, бойлигингни қаерга яширгансан, деб яна дўппослайдилар. Зулфиқор менда бунақа нарсалар йўқ, деб азобларга чидаб беради. Бу орада бир ярим йилга яқин вақт ўтиб кетади. Охири Зулфиқорнинг хотини билан келинини қамаб тергов қиладилар. Гулоян Қўчқор тайёрлаган ҳужжатларни кўриб, бўлмайди, деди. «Уни шундоқ қўйиб юборсак гап тегади. Ҳужжатларни икки йилга кесиш мумкин бўладиган қилиб тайёрла. Хотини билан келинини шу бугун қўйиб юбор», деб ўзи Қарши томонга ўтиб кетади.

— Қўчқор Жалолов ўша куни Зулфиқорнинг хотинини қўйиб юборади. Унинг ёлғиз қолган келини олдига тун ярмида киради. Қўлларини қайириб, уни зўрлайди. Қулоғидаги зирагини олиб, тонгга яқин чиқариб юборади. Телба бўлиб қолган жувон ҳали осмон оқармай туриб уйга кеча-лади. Ҳолдан тойган қайнонаси ухлаб ётарди. Ҳали уйғонмаган қизи Бахшанда тепасига келиб узоқ қараб туради. Ҳаром вужуди билан унга яқин келолмайди. Ошхонага кириб керосин тўла тунука банкани кўтариб чиқадию бошидан қуяди. Ғугурт чақиб юборади.

Том бўйи бўлиб ёнаётган олов ҳовлининг у бошидан-бу бошига югурар, шу олов ичидан аёл кишининг бўғиқ овози эшитиларди. Уйғониб кетганлар унга яқин боролмасдилар. Челаклаб сув сепсалар ҳам ўт ўчмасди.

Зулфиқорни турманинг ичида суд қилиб икки йил берадилар. Икки йиллик муддатни ўтаб бўлди, деб чиқариб юборадилар. У қамоқдан чиққанда келиннинг қирқи ўтиб бўлганди.

Ихтиёр Камол столда аллақачон совуб қолган чойни симириб, инсоннинг боши тошдан экан, жўра, деб ўтирган ерида қўлтиқтаёғига кўксини тиради.

Ташқаридан одамларнинг овози эшитила бошлади. Бир оздан кейин томирга дори томизадиган мослама кўтариб Сангча Амонова кирди.

— Бугун вақтида укол олмадинглар жужуқларим, гимодез томизиш ҳам кечикиб кетди.

Сангча полвонга фақат, қувноқликка яратилган бир малак бўлиб кўринади. Ер юзи шунақа нурли одамлар билан мунаввар, деб ўйларди у. Худо жами гўзалларни одамларни маҳлиё қилиш учун, инсонлар кўнглидан бадбинликларни қувиб, вужуд-вужудни эзгуликка чулғаб, яхшиликларга чорлаш учун яратгандек эди.

Полвон салкам икки соат билагида игна билан бир литрли шишадаги гимодез суюқлигининг охирги томчиси қолгунча қимирламай ётди. Кўзини уйқу босди. Ҳамшира қуймичига укол қилгандагина уйғонди. Ҳали офтоб ўчмаган. Беморлар кечки салқинда хиёбонларда сайр қилиб юрардилар. Ихтиёр Камол ҳамон қўлтиқтаёғини иягига тираб қимирламай ўтирипти. Полвоннинг уйғонганини сезгач, ташқарига чиқмаймизми, дея ўрнидан тура бошлади. Полвон ҳам турди. Икковлашиб ҳовлига чиқишди. Булоқдан бир пиёладан сув ичиб, ўзлари ўрганган шийпонга чиқиб ўтиришди.

— Уч кундан кейин муддатим тугайди. Кетсам, сиз зерикиб қолмасмикинсиз, деб ўйлайман, — деди Ихтиёр Камол.

— Мен ҳам кетсам керак, — деди полвон.

Аслини олганда бу меҳрибон, қайғусига қайғудош одамга Полвоннинг меҳри тушиб қолганди. Фақат, фақат Қўчқордан гап бошламаса бўлгани. Бари бир бўлмади. Қўчқорнинг номи аралашмаган суҳбат, суҳбат ўрнига ўтмай қолди.

— Оёғингга нима қилди, деб сўрамадингиз, ўзим айтай. Терговчи Қўчқор Жалол мени қамоққа олган куниёқ, олтинларингни, бойликларингни қаерга яширгансан, деб кечасию кундузи ухлатмай сўроқ қилди. Менда бунақа нарсалар йўқ, десам, ишонмайди. Уради, тепади, қўлларимни қайиради. Мен бир чорвадор одам бўлсам, менда тилло нима қилади дейман, қани ишонса! Икки барзанги ерга ётқизиб қўл-оёғимни босиб турди, яна бири стулга чиқиб икки тиззамнинг қўзига сакраб тушди. Оғриқ азобида ҳушимдан кетиб қопман. Тиззаларимнинг ошиқ-мошиғи жойидан қўзғаб қопти. Докторлар гипсга солишди, бўлмади. Охири ромитанлик мош табибни чақириб келишди. Қўли енгил экан, ошиқ-мошиқни жойига солди. Оғриқ қолгандек бўлди. Лекин тиззаларимдан пастида жон йўқдек. Шу-шу, қўлтиқтаёққа осилиб, судралиб юрибман. Қўчқор Жалол ҳароми, ғарнинг боласи битта гапни билади. Олтин, олтин қани? Яширган жойингни айт. Айтмасанг, қўлларингни ҳам синдираман, дейди. Бўлмади. Болаларимни, қуёвимни чақиртирдим. Уларни чўлдан зудлик билан олиб келишди. Кенжам аҳволимни кўриб додлаб юборди. Икки тарсакидан кейин болам шўрлик жим бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси чўпон. Совхоз қўйларини боқишади. Ҳар бирининг хусусий икки-уч юздан қўйи бор. Бунга ҳукумат рухсат берган. Терисини, жунини, гўштини давлатга сотишади. Бундан ташқари, план устига қўшимча маҳсулот бергани учун яхшигина му-

кофот пули ҳам олишади. «Болаларим, қўйларингни битта қолдирмай сотинглар. Пулини манавуларга келтириб беринглар», дедим. Болаларим ота сўзидан чиқмайдиган қобил болалар эди. Хўп, деб чиқиб кетишди. Совхоз қўй сотиб олмайди. Олганда ҳам пулини бир йил судраб чала-ярим қилиб, каттагина солиқ олиб, баракасини кетказиб кейин беради. Мингга яқин қўйни бозорга чиқариб бўлмаса! Болаларим нима қилишларини билмай икки мотоциклда чўлдаги чўпонлар олдига боришади. Совхознинг Қизилқумда бир юз қирқ минг қўйи боқилади. Икки юздан ортиқ чўпон қишин-ёзин саратонни саратон демай, чилпани чилла демай офтоб тиғида қуйиб, чўл бўйлаб қўй ҳайдашади. Норменгли деган чўпон уларга бошчилик қилади. У асли Сурхондарёнинг Шеробод туманидан. Ёшлигида Шофирконга келиб қолган. Норменгли ҳалол, покиза одам, чорвачилик унга отакасб бўлган. Болаларим ўша Норменглининг олдига бориб, ниятларини айтадилар. Норменгли бошини қашлаб узоқ ўтиради. Ерга кўзини қадаганча тинмай сигарета чекади. Ярим соатча шу алпозда ўтириб ўрнидан туради, уёқ-буёққа юради. У ниҳоятда асабий, ҳозир биров билан муштлашмоқчидек муштларини тугади. Норменгли кейинги пайтларда уйқусизлик касалига мубтало бўлганди. Ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб ўтов олдига чиқар, олисда тўзон кўтарилса, то етиб келгунча ўзини кўярга жой тополмасди. Машинада ё зоотехник, ё ветврач келганини кўргандан кейин кўнгли жойига тушарди. Норменглининг туман марказига бормаганига ҳам уч ойдан ошди. Гулоян айғоқчиларининг кўзи тушса уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйишларини билади. Яхшиси, ёмон кўзлардан йироқроқ юрай, деб чўл кезгани кезган эди.

Норменгли бир қарорга келди шекилли, жойига ўтириб:

— Кетаверинглар, — деди у — ҳамманг ўз отарингга бор. Эрталаб олдиларингга одам бораман.

— Эрталаб Норменглининг ўғли тўнғичмникига мотоцикл кажавасида бир қоп сабзи-пиёз, картошка ташлаб кетади. Кетар чоғида келинимга пиёз тагида пул бор, ҳаммасини терговчига берманглар, эллик минги ўзларингга қолсин, ҳали сизларга пул кўп керак бўлади, деб жўнаб кетади.

Ўғлим Қўчқор Жалолга пулни олиб борганида у бола бечорага бақириб беради.

— Мен сенларга пул деганим йўқ. Тилла танга олиб кел, деб айтганман, тушундингми? — дейди.

— Бизда унақа нарса йўқ. Умримда бир донасини ҳам ушлаб кўрмаганман.

Қўчқор тажанг бўлади.

— Бундай қиласан. Ҳозироқ Бухорога бориб катта бозордан Ашот деган армани кабоблазни топасан. Мени Қўчқор Жалол юборди, деб қўлига пулларни берасан. Ҳушёр бўл, олдида одам йўқ пайтида у билан гаплаш. Нима қилишни унинг ўзи билади, — деб тушунтиради.

Нафсингга ўт тушкур Қўчқор Жалол юзта бухор тангани олгандан кейин «Айби исботланмади» деб мени қўйиб юборади.

Уйни тинтув қилганда олиб кетган битта қўл соат билан Парижда мукофотга беришган олтин медалимни қайтиб бермади. Уни «антиқа» тери учун олгандим. Таниов ҳаками билагимга ҳар ўн беш дақиқада куй чаладиган швейцар соатини тақиб қўйганди. Афсус, жуда қимматли эсдалик эди. Ҳай, жанозасига бўюрсин...

Чиққанимнинг эртаси кеч қоронғида Норменгли келди. Қўйлардан биронтасини ҳам соттирмаганини, пулларни чўпонлар тўплаб берганини айтди. Бунақа одамгарчиликдан кўзларим ёшга тўлди. Узимни тутолмай ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Ифлос Қўчқор шунча азоб берганда ҳам миж-жамга ёш келмаганди. Чўпонларнинг одамгарчилигидан таъсирлаб кетибман.

Кечқурун палатада улфати чор бўлиб, чой ичиб ўтиришарди. Телевизорда биринчи ўзбек космонавти Шариповнинг хонадонини кўрсата бошлади. Қариндошуруғлар, қўни-қўшнилар, ёр-биродарлар Шариповнинг ота-оналарини табриклашяпти. Ҳовли одамга тўлган. Ҳамманинг қўлида гул.

Чой хўплаётган Ҳамро Очил: қандай бахтли оила бу, деб юборганини билмай қолди.

— Отасига раҳмат, деди Ихтиёр.

— Шундоқ фарзанд ўстирган онасига минг-минг раҳмат, — деди Зулфиқор.

Фақат Жалол полвоннинг тилига гап келмади.

Ҳамро Очилнинг файласуфлиги тутиб кетди.

— Биласизми, инсон нима учун фарзанд ўстиради. Меҳнат қилиб топиб келган ош-нони учунгина эмас, ўлганингда гўрингга қўядиган мармар тоши учунгина эмас, эл-юртдан олиб келадиган отангга раҳмат, деган биргина сўзини эшитиш учун ўстиради. Отангга лаънат, падарингга лаънат, деган сўз олиб келадиган фарзанднинг юзини худо тескари қилсин.

Мана шу суҳбат асосида Жалол полвон минг ўлиб, минг тирилди. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Мум тишлагандек, тилини ютиб юборгандек забун эди, у.

— Мана, масалан, аблаҳ Қўчқор Жалолнинг отасига ҳеч ким раҳмат дермикин. Қани айтингларчи, раҳмат дермикин? Нима дейсиз, Полвон ака?

Жалол полвон нималардир деб ғудранди. Нима деганига ҳеч ким тушунмади. Унинг ранги оқариб кетган, қошлари ўртасига тугунчак тушиб бир нуқтага тикилганича телбанамо бир алпозда ўтирарди.

— Йўқ, — деди Ихтиёр Камол, — ҳеч ким раҳмат айтмайди. Шундай ифлос бола ўстирган сендек отага минг, миллион марта лаънатлар бўлсин, дейди.

Жалол полвон ҳолсизланиб ўрнидан турди. Маст одамдек чайқала-чайқала ҳовлига чиқиб кетди.

— Бечоранинг яна қон босими ошди шекилли. — деди Зулфиқор. — Еки юраги ҳуруж қилдимикан?

У шундай деб чўнтагини кавлаб валидол қидира бошлади.

Жалол Полвон шу кеча ухлаёлмади. У ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилаверганида кароват ғичирлаб шерикларини ухлатмади. Охири ўрнидан туриб шиппагини кийдию ташқарига чиқиб, ҳар гал ором оладиган шийпончада ўтириб ўй-ўйлаб кетди.

Кеча сокин. Тиқ этган товуш йўқ. ой ҳам синдирилган патирдек яримтагина бўлиб қолган. Фақат Полвоннинг ҳолига кулгандек яқингинада бақа қуриллайди. Кетма-кет, чўзиб-чўзиб қуриллайди.

Полвоннинг ичида нимадир ёнаётган эди. Ичидаги олов чиқиб кетишга йўл қидираётганга ўхшарди. Охири у бир хўрсинганда бўғзини қуйдирдию ташқарига чиқиб кетди. Одамнинг жони ҳам шундай чиқиб кетармикин? Йўғе, ундаймасдир. Полвон жилмайиб туриб жон берганларни кўрган.

— Э, аттанг, эсиз умр, эсизгиная! Худо мени одамларнинг лаънатини эшитиш учун яратган бўлса иложим қанча, — деди у афсус надоматлар билан.

Полвоннинг даволаниш муддати тугади. Уни кузатгани аэропортга чиқишди. Полвон самолёт трапига оёқ қўя туриб, кутинглар, бир ҳафтага қолмай келаман, деб яна такрорлади.

Самолёт ҳавога кўтарилганда полвон бирдан енгил тортди. Бадбахт ўғли туфайли ёғилган қарғишлар, ундан азоб чеккан аламзада одамлар ерда қолди.

Қишлоқ ўша-ўша, одамлар ўз ташвишлари билан овора. Чолларга ҳар куни бўлмаса ҳам кунора наҳорга ош бўлиб турибди. Биров қиз узатяпти, биров ўғил уйлаяпти. Яна биров оламдан ўтган отаси ё онасига йиғирма оши беряпти.

Фақат Нурим сартарош бу ошларга боролмайди. Одамлардан юзи шувит. У дўконини ҳам очмай қўйган. Қулоғига бир хунук гап кирдию дўконга қулф солди. «Нурим ўша одам овчиси Собитнинг отаси-да, боласидан ўтиб қаёққа борарди. Бўйнингга лунги бойлаб, кекирдагингга устара тортиб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳукумат йўли билан бошқа сартарошхона очиш керак».

Шу гап қулоғига кирдию Нуримнинг қирқ йиллик касби барҳам топди. Кўчага ҳам чиқмай томорқасида ғимирсиб юради.

Кундуз соат бирларда самолётдан тушган полвон қишлоққа кун ботмай кириб келди.

Нурим сартарош эшиги олдида омбурга тиқилиб қолган хашакларни олаётган эди. Жалол полвоннинг қораси кўриниши билан ишини ташлаб шошилганича уйига кириб кетди. Унинг полвонга кўринишга бети чидамасди. Ўғлини отиб кетган боласи учун албатта мендан қасос олади, деб ўйларди. Полвон эса унга қараёлмасди. Шу тинчгина оилани хароб қилган ўғли учун Нурим албатта мендан ўч олади, деб ўйларди. Полвон Нуримдан, Нурим Полвондан қочиб юрарди. Полвон шу топда, ҳозир Нурим кетмонми, болтами кўтариб чиқади, менга ташланади, деган ўйда сергакланиб келарди. Нурим эса Жалол ҳовлимга бостириб кирадию ҳозиргина хашаги олинган омбурга мени икки буклаб тиқади дея қочиш учун девор наҳрасини мўлжалга олиб, дағ-дағ титраб турарди.

Йўқ, Жалол полвон индамай ўтиб кетди.

У уйига келганда жияни томда кечаги шамол учириб туширган тарновни жойига ўрнатаётган эди. У тоғасини кўриб ишини шоша-пиша битқизиб, томга энгашган тут шохига осилиб пастга тушди.

— Келдингизми, тоға? Аҳволингиз дурустми?

— Шукр-шукр, — деди полвон айвон даҳанига ўтирар экан. — Битта чой қўйиб бер. Бухоронинг тамсиз сувини ичавериб тинкам қуриди.

Жияни газга чойгум қўйиб чиқ-

ди.

— Жиян, — деди полвон. — Шу машинани юргизиб бўладими, бир кўрчи.

— Аккумулятори ўлган, уни бир кун токка қўйиш керак.

Қўчқор машина аккумуляторини чиқазиб, сувини тўкиб гараж токчасига қўйган эди.

— Зарур бўлса ҳозироқ устага бериб келаман, эрталабгача тайёр қилиб қўяди.

— Жуда зарур. Бухорога шу машинада кетамиз. Устага олиб бор, ўшанақаси акангни ҳам чақириб кел. Гуландом уйда бўлса айт, тез келсин.

Жияни чой дамлаб чиқди, кейин чанг босган аккумуляторни велосипед орқасига ўрнатиб жўнаб кетди.

Полвоннинг катта жияни автомобиль назорати бошлиғининг ўринбосари эди. Бухорога машинани шу миниб боргани дуруст. Йўлда инспекторлар бўлар-бўлмасга тўхтатмайди.

Полвон новвот сувидек тотимли чойни хўзур қилиб ичаркан, ўзингга шукр, ўзингга шукр, деб қўйди. Бирпасда чойнакни бўшатди. Пешонасидан терларни сидириб яктагининг этагига қўлини артиб ҳовли пастидаги, ўтинхонага кириб кетди. Кўмир кукунлари ўрнашиб, асли ранги қандоқлиги билинмай кетган каттагина чамадон кўтариб чиқди. Сувғури билан обдон чангини қоқиб латта билан артди. Чамадон қулфланган эди. Ўрниб очолмади. Гаражга кириб омбир билан катта бир отвертка олиб чиқди.

Шу пайт Гуландом келиб қолди. Қайнотаси билан йиғлаб кўришди. У энди ўзини олдирган, кўзи тагларида, иягининг пастида майда ажинлар пайдо бўлган. Аввалги шиддати йўқ. Йиғидан ҳўл бўлган киприклари орасида илгари чақнаб турадиган ўт сўнгандек эди. Овози ҳам сўлғин. Шу бир ой ичида сўлиб, эртанги тақдиридан умидини узган афтодаҳол бир алпозда эди. Полвон унга қараб раҳми келди. Бечора, эрга тегиб авжи ўйнаб-куладиган пайтингда умринг хазон бўлди.

Полвон уни бағрига босиб бошларини силади. Юпатмоқчи бўлди. Нима деб юпатади? Уни овутадиган қандоқ сўз бор дунёда? Гуландом эса унинг бағрида ўксиб-ўксиб йиғларди.

— Болам, қандоқ қиламиз, пешонамиз шўр экан. Бахт бизга бетини эмас, кетини кўрсатган бўлса, кимга зорланамиз? Бор, болам, муздек ариқ сувида бетларингни ювиб ол!

Полвон тугунчасидан бир сурат олиб унга узатди.

— Ия, ота, бу менинг зирагим-ку! — деди ҳайрон бўлиб Гуландом.

— Йўқ, болам, сеники эмас, шу келинчакники. Сен унинг зирагини тақиб юрган эдинг. Эринг аблаҳ уни зўрлаб, кейин қулоғидан чиқариб олган. Бу келинчак ҳозир йўқ. Номуси барбод бўлганига чидамай, ўзига ўт қўйган.

Гуландом сесканиб кетди. Бехтиёр икки қулоғига қўл юборди. Шу топда унинг икки қулоғи ўтда қуяётгандек эди.

Гуландом қайнотаси: тақма бу зиракни, деганда олиб қўйган эди.

— Ўтир. Энди манаву чамадонни очамиз.

У шундай деб чамадон қулфининг тагига отвертка тиқиб қўчириб олди, қопқоғини очди. Елимхалтага солинган бир зарбоф тўнни олиб ҳалтадан чиқазди. Бухоро зардўзлари ишининг ноёб намунаси аслида амир вазирларидан бириники эди. Полвон тўнни наматга ташлаб, ҳинд чойидан бўшаган тунука банкани олди. У жуда оғир эди. Қопқоғини очиб ичидагиларни дастурхонга тўкди. Бухоро тилла тангалари жаранглаб кетди.

— Биласанми, болам, шу тилла учун эринг совхоз директорининг икки оёғини синдирган.

Полвон бир тўрвани олди. Тугунини ечиб ичидагиларни тўкди. Улар аёлларнинг турли хил тақинчоқлари эди. Полвон қийшиқ бир узукни қўлига оларкан, овози титраб деди:

— Э худойим-а, бу қандоқ кўргулик! Узукка яхшилаб қара болам.

Гуландом узукни қўлига олди. Узук негадир доира шаклида эмас, тухумга ўхшаш узунчоқроқ эди.

— Бу узук бир хотиннинг қўлидан омбурда тортиб чиқарилган. Бечора хотиннинг бармоқ бўғинлари ажралиб кетиб шалвирад қолган. Бармоқ териси шилиниб гўшти чиқиб қолган. Кўрпаснами, унда омбур қирган излар қолган.

Уюлиб ётган тилла тақинчоқларни титкилаб бир медални олди.

— Бу уйингдаги эринг тақиб юрган соатнинг эгасиники. Ҳали ҳаёт. Бу соат билан медални Францияда мукофотга беришган.

Гуландом сапчиб ўрнидан турдию қўча томонга ўқдек отилиб чиқиб кетди. Полвон тақинчоқларни яна ҳалтага солди. Тилла тангаларни чой қутига битта битталаб санаб ташлади. Бухор тангга роппа-роса 100 дона чиқди. Николайнинг сурати солинган танга бир саксонта эди.

Полвон шу ишлар билан банд экан, Гуландом келганини сезмай қолди.

— Мана, — деди у, — зиракни чамадонга ташлар экан. — Мана соат.

Гуландом югурганда соат механизмлари ишлаб кетган эди. Бир-икки дақиқадан кейин соат шўх бир куйни чалди. Бу соат ўлиб ётган Қўчқорнинг билагида шу куйни чалиб турганди.

Полвон чамадон тагида яхшилаб қоғозга ўралган қаттиқ китобга ўхшаган бир нарсани олиб очди. Ҳали тахи бузилмаган, банкдан янгигина олинган юз сўмлик долларлар.

Чамадонда булардан ташқари сопига олмос, бриллиант қадалган ханжар, тилло, кумуш қўйма нақшлар қадалган қизил бахмал камар бор эди.

Полвон буюмларни жой-жойига қўйиб, чамадон қопқоғини ёпти.

— Мана, болам, — деди Полвон Гуландомга. — Қўйнимизда чаён бор экан. Топган нарсасини инига ташийдиган каламуш бор экан.

Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Бир оздан кейин эшикдан бир милиция майори билан полвоннинг жияни кириб келди. Бу махрум синглисининг ўғли Салоҳиддин эди.

У тоғасининг анча ўзига келиб қолганидан севинди. Ҳол-аҳвол сўради.

— Жиян, сендан битта илтимос. Бошлиғингдан икки кунга рухсат сўра. Манаву машинада Бухорога борамиз. Жуда зарур иш бор. Йўқ дема, жиян.

Салоҳиддин чаккасини қашлаб туриб жавоб қилди.

— Бизда ҳаракат ойлиги кетяпти. Майли, бир кунга борай. Бораману яна самолётда орқага қайтаман. Майлими?

— Майли, — деди полвон жиянидан хурсанд бўлиб.

Кичик жияни машинани ювиб, ёғларини текшириб сафарга тайёр қилиб қўйди. Энди эрталаб битта аккумулятор қўйса бўлди. Бемалол кетаверсалар бўлади.

Полвон эртаси азонда Салоҳиддин билан йўлга чиқди.

Гуландом эшик кесакисига суяниб мунғайганча машина орқасидан қараб қолди.

Полвон эртасига самолётда қайтиб келди. Унинг чехраси очиқ эди. У умримда бир марта савобли иш қилдим, ҳамма вақт курашда полвонларни йиқитиб ранжитардим. Рақибларим албатта енгилганлари учун менга раҳмат айтмагандирлар. Шуларнинг уволига қолдим, деб ўйларди.

Полвон қишлоқда бир ноҳушлик устидан чиқди. Гуландом бир банка керосинни Қўчқорнинг гўрига сепиб ўт қўйиб юборипти. Гўр ловуллаб ёнипти. Тепасидаги дарахтлар ҳам қуйиб кетибди. Гуландомнинг ўзи аллақаёққа ғойиб бўпти. Қаёққа кетган, тирикми, ўликми, ҳеч ким билмасди.

Полвон кечқурун самоварга чиқди. Чойхўрлар билан ҳардамхаёл, узуқ-юлуқ гаплашиб қишлоқ халқини эрталаб уйига таклиф қилди.

— Нима, полвон ака, юртга ош берасизми? — деб сўрашади.

— Эрталаб биласизлар, — деди у чойхонадан чиқиб кетаркан.

Қишлоқда ош берилса, оқсоқоллар сабзи тўғрашга киришади. Масжид омборидан идиш-товоқ олишади. Стол-стул дастурхон деган гаплар бор. Қизиқ-ку, ҳе йўқ, бе йўқ, эрталаб уйга чақиряпти.

Полвон уйга келиб жиянига сув иситиб беришни сўради. Ювиниб, тоза кийимларини кийди. Хуфтон номозини узоқ ўқиди. Икки қўлини кўкка кўтариб Аллоҳга илтижолар қилди.

— Тангрим, бу жонни ўзинг бергансан. Энди омонатингни ол. Сен берган жонга қасд қилиб гуноҳга ботишни истамайман. Жонимни ўзинг ол.

Полвон бу гапларни беш-олти мартадан такрорлади. Тоғ тепасида қимирламай туриб қолган ойга узоқ тикилиб ўтирди. Тун осуда. Тиқ этган овоз йўқ.

— Берган неъматларингга минг бора шукр. Даври-даврон сурдим, курашлардан яккакифт бўлиб чиқдим. Хорлик-зорлик кўрмадим. Энди бас, қийналиб кетдим. Ўз болам мени юрт кўзида шармисор қилди. Омонатингни ол, Аллоҳим. Бас, энди кетай. Бу дунёда энди яхшилар яшасин.

Тонг отар маҳали Жалол полвоннинг жони узилди.

Жанозага қишлоқнинг катта-кичик ҳаммаси келди. Фақат Нурим сартарош келолмади. Юрт кўзида унинг юзи шувит эди.

Орадан тўрт кун ўтиб Чорвоқ денгизида чўмилаётган болалар қирғоқдан бир жуфт аёллар туфлисини топиб олишди.

Бу Гуландомнинг туфлиси эди.

1999 йил апрель.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисидаги» Фармонига мувофиқ 3 ой муддатдан ортиқ савдо ва савдо-воситачилик, шунингдек 6 ой муддатдан ортиқ бошқа молия хўжалик фаолияти кўрсатмаётган корхоналарнинг рўйхати

Ўзсаноатқурилишбанк Операция бошқармаси (МФО 00440 ИНН 200833707)бўйича ёпиқ ҳисоб варақалари:

6 ой ва ундан юқори

1 Узхиммаркет
2 МП Мевазор
3 МП Мўйна
4 МП Истиқбол
5 ЧПКФ Ойдин
6 Благотворит фонд АСАТ
7 МП Тимур
8 ООО Виктория
9 ООО Гулрух
10 СП Таш.Юниверсал Компани
11 НПЦ Чернобыль
12 СП Гавҳар
13 Ассоциация Сардоба
14 Товарищество Билим
15 Ассоциация Туркистон
16 Междунар Ассоциация "Эл"
17 МП Ташкент
18 Базис
19 СП Муложат
20 МП Звездный час
21 СП Бизнес центр
22 ММП Символ
23 МП Замон
24 ООО Миришкор
25 МП Бунёдкор
26 НПМП Протекс
27 МП Айбек
28 МП Агат
29 МП Свет
30 ЧФ Кайсар
31 ВЭ фирма Узброксервис
32 УЗБ РЕСП КОМ Солид-ти
33 Общ-во больн гемофилией
34 Ўзб Адабиёти ва Санъати
35 Федерация прыжков в воду
36 НПЦ Истикбол
37 Внешпассторгтранс
38 МКХК Ташгорпасстранс
39 ДСП Форбес прогресс
40 МП Дельта
41 МП Ҳаёт
42 МП Лидер
43 МГП Ритм
44 СП Виктория
45 МП Зафар
46 МП Сафо
47 МП Май
48 МП Тест-Юг
49 МП Дизайн
50 Фонд Хашар-день Незав-ти
51 МПТЦ
52 МП Бахт
53 СП Корпорейшн
54 МП Бунёдкор
55 МП Квант
56 ООО Фирма мезон ЛТД
57 ЧФ Малика
58 УПКЦ Маданият
59 Узмонтажспецстрой
60 ПОТашгорпасстранс
61 МП Ладав Икар
62 МП Узводстройинформ
63 АТП Узбекнефтгаз комплект
64 РПО Радиосвязи и телевид
65 Об-во ЗИЁ
66 Фонд соц. и дух возр Узб
67 Фонд оказ пом. Сахалину
68 ДП Джиндо Русс
69 ООО Рафат
70 ИХК Асат Холдинг
71 ООО Инком систем ЛТД
72 МП Меркурий
73 Кооп Надежность
74 ТОО Турон
75 ООО Бизнес центр Геос
76 ЧФ Ахил
77 ООО Нур
78 Таш АРЗ
79 Профком Трасттаъминот
80 МП Мотор сервис
81 СП Куприк
82 Узпромторгинвест
83 МП Фил
84 МП Фан
85 МП Гея
86 ЧФ Рухсора
87 МП Мерос
88 ООО Янтарь
89 ООО Силбет
90 СП Таиз
91 Мп Лой Пресс
92 Наука и искусство Востока
93 МП Ватан
94 КЦ Бону
95 Профком АО Трасттаъминот
96 ООО Трансинторг
97 АЭС Пронк
98 СП Юта
99 ООО Фирма Техброк
100 СП Нита Премьер
101 ПТК фирма Оқ-Тонг
102 ЧФ Исмоил Максим
103 КП Надежность
104 Узинтергрупп
105 ЧФ Вагерос
106 ЧФ Магомед Оглы Амирхон
107 ЧФ Комсансар
108 МП Янги Арқ чеварлари
109 ООО Байт
110 ВПТФ «Джамшид»
111 СП Барта
112 ЧФ Дейра бизнес
113 Произ. ком.фирма. русь
114 СП Дубай Ташкент
115 ООО Эркер
116 АООТ Маҳаллий Саноат
117 ООО Чинор
118 ДП ГФИ Германии
119 МГП СИМ
120 ООО Шер ЛТД
121 СП Ҳамкор Олмон ЛТД
122 ООО Чарос
123 Ассоциация Алоқа
124 СП ТИ-БИ-Рекорд компани
125 МП Архкомплекс
126 СП Русто-рости
127 ТПМ Информ
128 ЧФ АДВ
129 Фирма Звезда ЛТД
130 ПТМ Аркус
131 ООО Квазар Финанс
132 ХРСФ ОАЗИС
133 МП Мирзо
134 ЧФ Траверс
135 ЧФ Окил Мирзо
136 ООО Петролес
137 ЧФ Миролим Муҳаббат
138 Межд Караван
139 ЧПКФ Камолот Сари
140 МП Зиё Маркази
141 МП Мунтазир
142 ООО Регул Факт
143 КК Магазин Одил
144 ЧП АР Рази
145 ЧП Амур
146 Федерация Фристайла
147 Турист Фирма
148 ООО Эътибор
149 ЧП ОХУ-Т
150 Торг Пром Ассоц Хуршид
151 Таш Фил ПТФ Согдиана
152 ПКФ ООО Виком
153 Евроазиат Организ КоЛТД
154 ЧП Исломобод
155 СП Экопаритет
156 ООО ПКФ Исломбек
157 ООО Навкурон
158 СП Лукоил Узбекнефтегаз
159 ООО Оқ Тепе
160 ДП Мухандис
161 СП Компал
162 СП Азиапетрол
163 СП Нафосат
164 ЧП Шукур
165 ДП "NIS ARK"
166 СП Мустақиллик
167 Таш отд. Партии Ватан тар.
168 НП МП Райхон
169 МП Аланга
170 Брок к-ра Промстройиндуст
171 СП Анд Тош
172 ДП ДЖИ БИ Энтерайзис
173 Алинур ЛТД

3 ой ва ундан юқори

174 Общества Саховат
175 Узбек трейдинг бренч
176 СП НУР-2
177 ЧФ Азия-Альянс
178 ДП Парс-Турон
179 СП Премьер интерпрайдиз
180 МП ЧП Зито
181 ЧФ Камолитдин Фатима
182 ЧФ Рамакма
183 ЧФ Манзар
184 СП Хамкор
185 МП Муҳандис
186 МП Сохиб ТДК
187 ЧФ Тўлқин-Ўткирбек
188 Узбек-Россий-Америк корпорейшн
189 ПКФ Хамият
190 МП Мария
191 ООО Ришон
192 ДФ БЦС-туризм
193 Инс-т медико-биологии
194 Частная киностудия simofilm
195 ДП Ҳамкор- Иргидромаш
196 МГП Адолат-х
197 МП Пресс автомат
198 ООО Хуриятпарвар
199 ЧП Санжар-вид
200 ЧФ Ад Гус
201 Оқ айиқ
202 Галсер
203 ООО Ориф Толиб
204 Пфото Россия
205 ЧФ Ҳамидулло

Ўзсаноатқурилишбанк Тошкент шаҳар бошқармаси Операция бўлими (МФО 00424 ИНН 200542770) бўйича ёпиқ ҳисоб варақалари:

3 ой ва ундан юқори

1

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 18 may, seshanba • № 58 (24.453).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Спартакиада доирасида

Фарғонада Аёллар йилига бағишлаб ўтказилаётган спартакиада доирасига кирувчи яна бир мусобақа ўтказилди. Баҳслар спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси ва шашка турлари бўйича уюштирилди. Мусобақада эса тўқимачилик ва енгил саноат, коммунал-маиший хизмат соҳаси корхоналарининг жамоалари ўзаро куч синашдилар. Баҳсларга пухта қозирлик кўрган Риштон йигирув-тўқув фабрикаси ишлари умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Фарғона тўқимачилик комбинати билан «Буюк ипак йўли» акционерлик жамияти спортчилари фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Кучлар тенглашди

Сирасини айтганда бу учрашувга муҳлислар катта умид боғлашганди. Боиси Ўзбекистон олимпиа терма жамоаси мазкур ўйингача учта учрашув ўтказиб, шундан иккитасини ғалаба, биттасини дуранг қилгани ҳолда еттита очко билан саралаш гуруҳида пешқадам эди. Тошкентга меҳмон бўлиб келган Қозоғистон олимпиа терма жамоаси эса иккита ўйиндан бир ғалаба, бир дуранг билан тўртта очко тўплаган эди. Агар футболчиларимиз ўз майдонларида ҳужумкорликка зўр бериб, астойдил ғалаба иштиёқида ўйнаганларида пешқадамлик мавқеларини янада мустаҳкамлаган бўлардилар. Афсуски, йигитларимиз ишқибозлар кутган даражада ўйин кўрсата олмадилар. Оқибатда меҳмонлар футболчиларимиз дарвозасини икки марта ишғол қилиб, ғалабани «илиб» кетишди. Мана энди 29 май куни сафарда Қозоғистон футболчилари билан бўладиган учрашувда йигитларимиз қандай ўйин кўрсатишаркин...

SPORT

Сўз қуввати

«Мулоқот» янги сонининг биринчи бети таниқли олим Абдулҳафиз Жалоловнинг «Одам боласи дунёга озод, ҳур бўлиб келади», деган сўзлари билан очилади. Олим ўз фикрини яна давом эттириб: «Бироқ, жамиятнинг нотакомиллиги сабабли у кишанбанд, тобе қилиниши мумкин. Қуллик, мутелик Ер юзида қачон пайдо бўлган бўлса, шундан бери эркинлик, адолат учун кураш ҳам давом этиб келади», - деган асосли иборани қўллайди.

Шунингдек, «Муносабат» рукни остида берилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Ватан сотилмайди, хоинлар сотилади», тарих фанлари номзоди Собир Қурбоновнинг «Хиёнат» мақолалари ва шоир Абдулла Турдиевнинг «Юртим деган Юртбошингга паноҳ бўл, элим...» шеъри ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, муаллиф Саттор Облоқуловнинг «Тафаккур» - юксалиш омили мақоласи «Мулоқот»ни маънан безаган туҳфа бўлди. Уктам Қурбоновнинг мақоласини ўқиб кўплар миллий маънавий манфаат тушунчасига тўла-тўкис жавоб олади.

Бугун маънавий баркамол кишиларни ягона сиёсий куч атрофида бирлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Янги сонда Анвар Чориев айрим раҳбарларнинг маънавий тубанлашиб бориши туфайли вужудга келган ва кундан-кунга ўрчиб бораётган ҳар хил иллатлардан жамиятни қандай тозалаш лозимлигига тўхталади.

Эртанги куннинг қандай бўлиши миллатнинг бугунги маънавий ва сиёсий даражасига боғлиқ. «Мулоқот»нинг ушбу сонида «Маънавият ва сиёсий маданият» мақоласи билан чиқан Камолиддин Юнусов таъбирича, «сиёсий онг маънавий маданиятга суянади». Бошқаларга қарам бўлган, мустақиллигини бой бериб қўйган миллат ўз келажагини ўзи белгилай олмайди. Истиқлолга эришган миллатгина ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётга эришади. «Мустақиллик ва миллатнинг келажаги» мақоласида Малик Орипов: «Узини англаган киши, бошқаларни ҳам англайди, ўзини таниган — Яратувчисини ҳам танийди», деган якдил хулосага келади.

Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов «Хожа Аҳрор Валий ибрати» ҳақида тўхталиб, ҳазратнинг Шомдан то Ҳиндгача мусулмон мамлакати ҳукмдорларига ўз ҳикматлари билан ҳурмат эъзоз қозона олганини ёзади. Аллома ўз даврида, ўзининг обрў-эътибори билан юз бериши эҳтимоли бўлган даҳшатли биродаркушлик жангларининг ва беаёв хунрезликларнинг олдини олишга муваффақ бўлган эди.

Ҳар бир озод жамиятнинг мақсади комил инсонни тарбиялашдир. Муаллиф Одилжон Тоҳировнинг «Комиллик - етуклик тимсоли» ҳам шу хусусдаги муаммолар ҳақида баҳс-мунозара юритади. Минг афсуски, акаукалар, қариндош-уруғлар орасида мерос талашиш ҳоллари онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Журналнинг 3-сонида журналист Нормўмин Очилов ана шундай нохуш ҳолатларни қаламга олади. Адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов «Шохруҳ даври адабиёти»да «Темурий ижодкорлар адабиёт билан шунчаки ҳаваса эмас, чуқур миллий туйғу, юксак мақсадлар билан шуғулланганлар»ини адабий маҳорат билан тасвирласа, Очил Бўриев «Кенгашли тўй тарқамас» мақоласида халқимизнинг бирдамлиги ва бир-бирига меҳрибонлигини чиройли лавҳаларда тасвирлайди.

«Мулоқот»нинг янги сонини ўз асарлари билан безаган Қайрат Акчулаков, Нилуфар Ҳидоятова, Маҳмуд Жўраев ва Бозорбой Жумабоев сингари мусаввирларнинг хилма-хил рангли тасвирлари, суратлари ва безаклари, Назармат ва Ғўра Жуманнинг шеърлари, Ориф Усмоннинг рубоийлари ҳам ўз мухлисларини топишига ишончимиз комил.

«Мулоқот» саҳифаларида

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда. 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0353

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 22.10

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Журналистдан чиққан олим

Инсонларни қадрлаш, эъзозлаш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром халқимизнинг қадимий миллий анъанасидир. Истиқлолимиз туфайли элда ҳурмат-эътибор қозонган фахрийларимиз иззат-икромда. Қўлимда Беруний номидаги техника университети жамоаси томонидан юборилган таклифнома турибди. Ўқийман, профессор, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдураҳмон Ортиқовнинг муборак таваллуд ёши муносабати билан ўтказиладиган анжуманга таклиф.

Таклифномани ўқиб жуда ҳам машаққатли ҳаёт мактабини ўтаган журналист ва атоқли олим бундан қарийб эллик йил аввал «Ўзбекистон овози» газетаси даргоҳида қалам тебратган азиз касбдошим ва устозим кўз олдимга келди.

Абдураҳмон Ортиқовнинг газетага ишга келиши тарихи ҳам бир қизиқ ҳикоя деса бўлади. Унинг айтишича, 1946 йилда бир мақола ёзиб, газетага олиб келганда: «Сиз газетада ишлашингиз керак» деб уни «ушлаб» қолишган. Ўша вақтда газетанинг бош муҳаррири атоқли адиб Шароф Рашидов бўлган. Абдураҳмон ака ТошДУда катта ўқитувчи, шу билан бирга «Ўзбекистон» нашриётида ишлаган. «Мен илмий иш қилишим, номзодлик диссертацияси ёқлашим керак», — деб газетада ишлашга рози бўлмаган. Бунинг устига отам 1931 йилда Украинага муддатсиз сургун қилинган, мен ҳам ўша ерда етти йил яшаганман, деб очиқ сўзлаган. Шунда муҳаррир: «Ота учун ўғил жавоб бермайди», деб уни қатъийлик билан газетага адабий ходим этиб ишга олишган.

Абдураҳмон ака газетада жуда кўп ишламади. Мен газетага адабий ходим бўлиб ишга келганимда Абдураҳмон Ортиқов тарғибот бўлими мудири этиб тайинланган эди.

Маълумки, уруш тамом бўлгандан кейин 1946-1947-йилларда юз берган ҳодисалар бизларнинг хотирамизда худди кечагидек муҳрланиб қолган. Уруш йилларида таназзулга учраб, ҳатто қадрдон газетамиз бор-йўғи бир тутам варақадек ҳажмга тушиб қолган йиллар ҳам бўлган. Ёзишга журналист, кўчиришга қоғоз, босиб чиқаришга ношир, тарқатишга транспорт, обуна бўлишга маблағ етишмасди. Урушдан сўнг матбуот учун бундай қора кунлар тугаб, тикланиш даври бошланган эди.

Хуллас, биз ўша йиллари Абдураҳмон ака билан битта бўлимда ижодий ҳамкорлик қилдик. Ўша кезлари Абдураҳмон Ортиқов ажойиб публицист сифатида кўпгина ҳаётий илмий мақолалари билан элга танилди. Ниҳоят даражада ўзига ҳам, ходимларга ҳам талабчан эди. Унинг ёзган мақолалари ҳеч бир таҳрирсиз газетада чиқиб кетарди. Мен бўлимнинг адабий ходими сифатида ёзган нарсаларимни ҳеч эринмасдан синчковлик билан таҳрир этар, баъзида «жиртакилик» қилиб қолсам, жаҳли чиқмай босиқлик ва чидам билан ҳаммасини бирма-бир тушинтиради. Аммо таржима бобида энг машҳур таржимонлар Абдураҳмон акага тан беришарди. Ижодий мунозаралар чоғида, газетада босилиб чиққан мақола, очеркларни таҳлил этишда ўзининг чуқур мулоҳазалари, фикрлари билан ёшларга ўрнак кўрсатган. Битта хонада ўтириб ишлаган чоғимизда Абдураҳмон ака кўпинча: «Мен илм қилишим керак, диссертациям қолиб кетаяпти, газета иши қийин экан, кўп вақтимни олаяпти», деб шикоят қиларди. Охири муҳарриримиз Хожиакбар Ғуломов ҳузурига ариза кўтариб кириб: «Сиз ҳам олим одамсиз, газетада ишлаб илмий ишларим қолиб кетаяпти», деб бўлим мудирлигидан озод этишни сўраган.

Шундай қилиб газета даргоҳида ўз фаолиятини бошлаган, зукко ва меҳнаткаш журналист илмга қаттиқ ружу қўйиб, оддий илмий ходимдан катта фан арбоби даражасига кўтарилди. Энди Абдураҳмон акани республикада билмаган, танимаган, унинг мароқли маърузаларини эшитмаган одам камдан-кам. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштирган. Юзлаб мақолалар, йигирмага яқин китоб, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг муаллифи, тиниб-тинчимас журналист ва олим Абдураҳмон аканинг ҳаёт йўли ёшларга ўрнак бўларлидир. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам Абдураҳмон ака ҳали ҳам тетик, ишлаб чарчамайди. Унда журналистика мактабининг таъсири, маҳорати ва ишчанлиги ҳали ҳам сақланиб қолган.

Мақсуд ҚОРИЕВ

Орамиздаги одамлар

Кўнгил манзили

Шундай одамлар бўладики, улар бошқалар учун яшайдилар. Мен шундай инсонлардан бирини ғойибона билардим. У билан иш юзасидан учрашгач, эшитганларим ножўя эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Боиси Жўра Саъдуллаев ҳамиша бирон бир хайрли иш ташвишида юради. Турли сафарлари чоғида ҳам ижодкорнинг шундай ҳолатини кузатганман. У кўпроқ ташкилотларда бўлишга, жойлардаги амалий иш тажрибасини ўрганишга интилади. Сафардан кейин уч-тўрт кун ўтмасдан «Мулкдор» газетасида «Мўъжиза яратувчилар» рукни билан мақолалар чоп этилади.

У шундай тиниб-тинчмаслардан. Қибрай ва Зангиота туман газеталарида бош муҳаррир, «Туркистон»да бўлим мудири, «Ўзбекистон овози»да бош муҳаррир ўринбосари, «Муштум» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаганларида ҳам сермаҳсул ижод қилган. Унинг «Сўнгги топшириқ», «Тик парвоз», «Комолот йўллари», «Ҳар биримиз масъулмиз» каби очерк ва публицистик асарлар тўпламлари чоп этилган. «Ўзбекистон юлдузлари» очерклар китобининг муаллифи. «Ўзбекистон қўриқлари» китоби ҳам эътибор қозонди. Меҳнатлари муносиб тақдирланган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига лойиқ кўрилган.

Мустақиллик йиллари таржимонлик фаолияти янги йўналиш касб этди. Асосий эътиборни аҳолининг молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилувчи асарларни ўзбек тилига таржима қилишга қаратди. «Акциядорлик жамиятида молия ҳисоби», «Ўзбекистон Республикасида молия назорати», «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари: саволлар ва жавоблар», «Халқаро гуманитар ҳуқуқ» китобларини ўзбек тилига ўгирди.

Журналистнинг сўнгги йиллардаги ижодий фаолияти мустақил Ўзбекистонда касаба ҳаракати амалиёти ва муаммолари билан боғлиқ бўлди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба фаолиятига бағишланган энг яхши журналистик асарлар учун йиллик кўрик-танлов эълон қилди.

Жўра Саъдуллаев устозлари, ҳамкасблари, шогирдларининг ижодий фаолиятлари хусусида кўпроқ гапиради. Устоз қалам соҳиблари Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоилжон Сулаймоновлар билан бўлган мулоқотларини, Тоҳир Пидаев, Муроджон Мансуров, Абдуллажон Абдуқодировлар билан ижодий фикрлашувларни алоҳида бир орзиқиш билан эслайди. Унинг шогирдлари мустақил давлатимиз иқтисодиёти ва маънавиятини, шавкатини юксалтиришга хизмат қилмоқдалар.

Акбарали СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

Илмнинг машаққатли йўлларида

Илм истаб Бўстонлиқнинг Хумсон қишлоғидан пойтахтга келган ёш йигитча Ҳайбат Хайруллаев қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригация институтига ҳужжат топширди. Институтда ҳам аъло баҳода ўқиб, жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўзини кўрсатган тиришқоқ талабани «Трактор ва автомобиллар» кафедрасига ишга олиб қолишди. Зийрак, талабчан ва айни вақтда меҳрибон ёш муаллим талабалар ва устозларнинг ҳурматини қозонади. У талабаларга кенг кўламда билим бериб, фан асосларини чуқур ўргатар экан, ўзи ҳам ўқиш, билимини оширишдан эринмайди, тинимсиз изланади. Илмий иш қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари борлиги ҳаммага маълум. Умуман, донолар айтганидек, фанда осон, тап-тайёр йўл йўқ. Айниқса, техника соҳасида бу ҳол яққол сезилади. Узоқ тунлар, юзлаб чизмалар устида ишлаш, минг марталаб аниқ ҳисоб-китоб қилиш асосида ихтиро яратиш айтишгагина осон. Бу ўта мураккаб иш юракни сиқиб, қон қилиб юборади. «Илм — нина билан қудуқ кавлашдек қийин» деган нақл, муҳандис олимлар, ихтирочилар меҳнатининг оғирлиги туфайли яратилган бўлса, ажаб эмас.

Одатда, техника ва аниқ фанлар билан шуғулланган аспирантлар орасида ўз муддатида ишини битириб, вақтида диссертация ҳимоя қиладиганлар кам бўлади. Сабаби, боя айтганимиздек, чизмалар, аниқ ҳисоб-китоблар кўп вақтни олади. Бундан ташқари, қилинган ихтиро амалиётда қайта-қайта синовдан ўтказилиши, етти ўлчаб, бир кесилиши керак. Ҳайбат ака бу ишни уддасидан чиқди. Ғилдиракли тракторларнинг ишчи тезлигини ошириш ва ёнилғи сарфини камайтиришга бағишланган илмий ишини ҳимоя қилди.

Шундан кейин у яна ўз қадрдон кафедрасига қайтди. Бу ерда дастлаб ассистент бўлди, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида узоқ йиллар ҳалол ишлаб, кўп сонли малакали мутахассислар етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди.

Олтин ўтда, одам меҳнатда тобланади, деганларидек, бу йилларда Ҳайбат ака яна бир ҳаёт синовидан ўтди. Халқимизни бадном қилишга қаратилган «Ўзбек иши» авж олган паллада таъқибга учради. Унга қарши отилаётган тошлар туҳмат экани маълум эди. У ўзининг ҳақ эканини ҳамма ерда, ҳар қандай даврада исботлаб бера олди.

Аммо одам темир эмас. Вақти келса темир ҳам емирилади-ку. Худди шундай, Ҳайбат ака қуруқ туҳматлар туфайли анча-мунча соғлиғини йўқотди, қанд касалига чалинди... Лекин иродаси мустаҳкамлигича қолди.

Ҳайбат ака қандай лавозимда, жамоатчилик вазифаларида ишламасин, илмий изланишни, ижод заҳматини заррача тўхтатгани йўқ. У ҳаётини бағишлаган соҳа — трактор ва автомобилларнинг ишчи тезлигини ошириш ва бу фанни талабаларга ўргатишни такомиллаштириш бўйича 40 дан ортиқ илмий ишлар ёзди, 5 та ихтиро яратди. Москва, Минск, Краснодар, Харьков, Душанба шаҳарларида ва бошқа бир неча хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий анжуманларда, кенгашларда маърузалар қилди, илмий ходимлар тайёрлади.

Ҳайбат ака эсини таниганидан бери тоғлар бағрида, чўққилар этагида юксакликларга талпиниб яшади. Илм чўққиларини заҳмат билан забт этиб келди. Бундан кейин ҳам у олис йўлда чарчаб, толиқиб қолмаслигига, яратиш завқи, кашфиётлар илҳоми уни асло тарк этмаслигига ишонамиз.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди

Ҳурматли тадбиркор, ишбилармон хонимлар ва жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Сиз азизларни ўз ишингиздан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти — брокерлик билан шуғулланишни таклиф қилади. Брокер том маънодаги тадбиркордир, зеро, у кўчмас мулк, уй-жойлар, офислар, корхоналар, цехлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва автотранспорт олди-сотдиси билан шуғулланади.

Брокерлик жойи бор-йўғи 25 минг сўм туради ва унга биринчи тўлов 12,5 минг сўмни ташкил этиб, қолган қисми эса уч ой давомида тўланади. Аёл тадбиркорлар эса бор-йўғи 12,5 минг сўм тўлашади. Брокерлик жойларини ташкилот ва фирмалар ҳам сотиб олишлари мумкин.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 16-а уй ёнида, мўлжал — А. Навоий номли Санъат саройи (Панорама) рўпараси, «Шарқ гули» АЖнинг фирма дўкони.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

«Ўздастгоҳасбобускунасавдо» акциядорлик жамияти

1999 йил 2-4 июнь кунлари Дастгоҳсозлик, асбобсозлик, машинасозлик ва бошқа маҳсулотлар бўйича

Республика ярмаркасини ўтказади.
Ярмаркага таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 2-уй, 1- корпус, 9 секция (мўлжал — «Тинчлик» метроси бекати, «Ғунча» кинотеатри қаршисида).
Телефонлар: (3712) 49-37-69, 42-14-55.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55